

Бахтиёр ИБРАГИМОВ,  
Ўзбекистон халқаро ислом академияси  
Араб тили ва адабиёти ал-Азҳар  
кафедраси катта ўқитувчиси

# ИЛК ИСЛОМ ТАРИХИГА ОИД НОДИР АСАР

Тарих фанлари доктори, профессор Аҳаджон Ҳасанов қаламига мансуб анчадан бери интиқлик билан кутилган “Илк ислом тарихидан маърузалар” тўпламининг чоп этилиши халқимиз жорий йилда эришган ютуқларга яна бир улуш бўлиб қўшилди, десак муболаға бўлмас. Жаннатмакон юртимизнинг забардаст бу олимидан маърузаларнинг давомини кутиб қолган ҳолда, ушбу китоб мутолаасидан олинган таассуротлар билан ўртоқлашишни истардим.

Маълумки, ҳар қандай асарнинг қизиқарли ва “бир нафас-ла ўқишли” бўлиши муаллифнинг баён усули, “тили”га боғлиқ. Бу хусусда китоб беназир. Шубҳасиз, у илмий тадқиқотга қўйиладиган барча талабларни ўзида бекаму кўст акс эттиришига қарамай, марҳум устозимиз арабшунос А.Абдужабборов таъбири билан айтганда, “тўртинчи синф ўқувчисига ҳам тушунарли”.

Бундан ташқари асар кадрини оширадиган яна талай жиҳатлар бор:

Бу китоб Арабистоннинг қадимги тарихи ва илк ислом даври комплекс тарзда ўрганилган ноёб тадқиқотдир. Китобдан ўрин олган 20 та маъруза хронологик асосда бўлимларга бўлиниб, уларга чиройли тартиб берилган. Уларнинг ҳар бири тарих, сиёсат, диншунослик,

филология, ҳатто тафсир ва ҳадис соҳаларининг ўнлаб муаммоларидан баҳс юритади. Масалан, шундай муаммолардан бири – “Ислом динининг вужудга келиши омиллари”ни олайлик, у турли адабиётларда бир-биридан тамомила фарқли “савдо-капиталистик” ёки “кўчманчи-чорвадорлик” ё “деҳқончилик” заминидан вужудга келган дейилади. Бунинг сабабини А.Ҳасанов яриморолнинг жанубий-шимолӣ ва саҳро ҳудудлари алоҳида-алоҳида ўрганилганида, деб шарҳлайди. Бироқ бу борада муаллифнинг ўз оригинал хулосаси бор: “... Арабистон яриморолнинг айрим қисмлари бир-биридан ижтимоий-иқтисодий тараққиёти жиҳатидан қанчалик фарқ қилмасин, VI аср охири – VII аср бошида улар ўртасида социопсихологик умумийлик, муштараклик ёки унификациялашув юз бердики, Муҳаммад (с.а.в.) фаолияти туфайли атиги 10 йил ичида асрлар давомида тарқоқ бўлиб келган ўлкаларни бирлаштириш мумкин бўлди”<sup>1</sup>.

“Қадимги Арабистон тарихига оид манба ва адабиётлар” номли 2-маърузада ғарбу шарқдаги: а) эпиграфик ёзувлар (ўйма нақшлар); б) диний китоблар; в) антик муаллифлар; г) араб тарихий адабиёти;

<sup>1</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 1-маъруза. Кириш. Ислом тарихи фанининг мазмун-моҳияти. – Б. 13.

гарб сайёҳлари ва шарқшунослари; е) рус ва совет тарихшунослиги қиёсий таҳлил қилиниши орқали бошқа тадқиқотларда мавжуд қатор чалкаш масалалар ечилиб, то хануз илмий жамоатчиликни қониқтирмаётган фикрларга илмий-танқидий мавқеда муносабат билдирилади. Демак, яхлит тизимга таянган “... бундай асар, биринчидан, тарихий жараённинг умумий тасаввурини берса, иккинчидан, хусусий изланишларнинг янада чуқурлашувига ўз хиссасини қўшади”<sup>2</sup>.

Ушбу китобда Қуръон каримга буюк тарихий манба сифатида мурожаат қилиниши мантиққа мувофиқ бўлганлигини таъкидлаш зарур. Аввало, ислом тарихи, агар таъбир жоиз бўлса, Қуръони карим билан ҳамоханг. Яъни “Асба: бун нузул” (оятларнинг нозил бўлиш сабаблари) илми нуқтаи назаридан ёндашсак, ваҳий 23 йиллик воқеликка жавобан нозил бўлганки, ҳаёт ва ваҳий ўртасидаги узвий алоқадорликни асло назардан қочириб бўлмайди. Айниқса, бу *Ислом таълимоти вужудга келгандан кейинги биринчи-иккинчи асрларда араблар ўзларининг ўтмишдан қолган моддий ёдгорликларига эътиборсиз*”<sup>3</sup> бўлганлари ёки “ахборийлар” ва “қаҳтонийлар” оғзаки анъанасига хос муболағали, сохта фактларга тўла “исломгача бўлган давр қанчалик мавҳумлиги”<sup>4</sup> фонида яққол кўзга ташланади. Қолаверса, шахсан Набий с.а.в. ёхуд ҳулофои рошидин ҳаёт чоғларида, саҳобийлар гувоҳлигида мусҳаф ҳолига келтирилган ва ҳеч қачон бирор ўзгаришга учрамаган танзил матнига таяниш – муаллифнинг диалектик тафаккур соҳиби экани ҳамда унинг оқилона услубда иш кўрганидан далолат беради.

Маърузаларда “жоҳилия” шеърияти, халқ ҳикматли сўзлари, мақолу маталлари ҳам ўз муносиб ўрнини топган. Кези келганида қайд этиш лозимки, “жоҳилия” сўзи 622 йилдан сўнг,

яъни мусулмонларнинг Маккадан Мадинага ҳижратида сўнг шу санадан олдинги замонга ишлатила бошлаган<sup>5</sup>. А.Ҳасанов фикрича, ахборийларнинг ислом арафасида юз берган воқеаларга доир маълумотлари ишончли, “чунки бу хабарлар бевосита шоҳидларнинг оғзидан олинган”<sup>6</sup>. Шунингдек, “илмий адабиётларнинг ҳозирги ҳолатида жоҳилия шеъриятини батамом инкор қилиш мақсадга мувофиқ эмас, албатта”. Агар “VIII-X асрларда уларни тўплаш ва таҳрир қилиш жараёнида араб филологлари томонидан жузъий ўзгартиришлар киритилган деб қаралса, улардан манба сифатида бемалол фойдаланиш мумкин бўлади”<sup>7</sup>. Демак, арабларнинг қадимги тарихи илк ислом тарихининг асосидир.

“Арабистон ярим оролидаги энг қадимги жамиятлар”га бағишланган 3-маърузада а) Тош ва бронза асри; б) Дилмун; в) Макан; г) араблар ва оссурийлар; д) арабларнинг халдейлар ва форслар билан муносабатлари ўз ифодасини топган. Бу ерда Аккод подшоҳи Саргон (2371-2316), Бобил подшоҳлари Ашшурбанипал (669-621), Навуходоносор II (605-562), Кай Хусрав Кир II (559-529) ва Доро I (522-486) ҳақидаги тарихий далиллар билан танишар эканмиз, Дилмун билан боғлиқ машҳур “Гилгамеш” достонидаги воқеаларни беихтиёр ёдга оламиз, Қадимги Шарк халқлари маданияти, фалсафаси ва диний-ахлокий қарашлари илдизи қай заминда “сўвга қонган”лигини англаймиз.

4-маъруза “Жанубий Арабистондаги қадимги давлатлар” а) Маин; б) Сабо; в) Химяр мамлакати тўғрисида ҳикоя қилса, 5-маъруза эса “Қадимги Шимолий ва Марказий Арабистон” а) Наботийлар; б) Тадмур; в) Лаҳмийлар; г) Фассонийлар; д) Кинда давлати ҳаётини ёритади. Бу мавзулардаги

<sup>2</sup> Ўша бетда.

<sup>3</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 2-маъруза. Қадимги Арабистон тарихига оид манба ва адабиётлар. – Б. 23.

<sup>4</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 2-маъруза. Қадимги Арабистон тарихига оид манба ва адабиётлар. – Б. 24–27.

<sup>5</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 2-маъруза. Қадимги Арабистон тарихига оид манба ва адабиётлар. – Б. 15.

<sup>6</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 2-маъруза. Қадимги Арабистон тарихига оид манба ва адабиётлар. – Б. 26.

<sup>7</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 2-маъруза. Қадимги Арабистон тарихига оид манба ва адабиётлар. – Б. 27.

тарихий ҳақиқатлар сиёсат ва диншунослик соҳасининг айрим нозик, чигал масалаларини ҳал қилишга ёрдам беради. Мазкур ҳудудларда аввал яҳудийлик, сўнг христианлик дини пайдо бўлган шарт-шароитлар, давр воқеалари кўз ўнгимизда ёркин лавҳаларда жонланиб, уч тавҳидий дин ватани ҳақида илмий асосланган умумий тасаввурни ҳосил қилади. Узоқ ўтмишга ҳаёлан саёҳат қиламиз... Ҳазрати Исо (а.с.) билан бирга мафтункор Ершалаим кўчаларида пайдо бўламиз ёки шаҳар ташқарисида нисон оғи офтобидан қовжираган ўт-ўланларни босиб, далаю, хурмозор боғларни кезамиз... 325 йили Рим императори Константин II (337-361) чакирган Никея христианлари собори сари сафарга отланган Яман усқупига эргашамиз... ёхуд Ғассонийлар давлатининг энг гавжум шаҳри Бусро бозорига Абу Толиб карвонида 12 ёшли ўсмир Муҳаммад (с.а.в.) кетидан йўл оламиз...

Китобхон Сабо маликаси Билқис I (мил. ав. X аср), Ҳимяр ҳокимаси Билқис бинт Ҳадход (милодий IV аср), ака-укалар Гиркан бошлиқ “фарзийлар” ва Аристокл бошлиқ “саддукийлар” ўртасидаги низо, Александр Македонский ва унинг ворислари, Рим империяси мустамлакалари, императорлар Помпей, Октавиан Август, Юлий Цезар, Антоний, Юстиниан (527-565), Яҳудия подшоҳи Ирод, Миср ҳокимаси Клеопатра, Эрон шоҳи Хусрав I Ануширвон (531-579), Зу Қор жанги тўғрисида бир-биридан қизиқарли маълумотларни ўқир экан, унга маданиятлар хилма-хиллигидан озиқланган умуминсоний кадриятлар моҳияти янада ойдинлашади.

Асарда атамаларнинг лингвистик-этимологик таҳлилига етарли эътибор қаратилган. Маккада Қурайш қабиласининг ҳукмронликка эришиш тарихи машҳур афоризм орқали ёритилади: (أخسر من صفقة أبي غبشان) “Ҳозирги кунда ҳам гап арзон гаров савдо тўғрисида борса, араблар: “Абу Ғубшоннинг савдосидан ҳам арзон бўлиб кетди-ку! дейишади”<sup>8</sup>.

<sup>8</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 6-маъруза. Қадимги Ҳижоз. – Б.137.

Қолган ислом таълимотига бевосита боғлиқ 7–19-маърузалар ҳам мутлақо илмий услубда бўлишига қарамай, эсда қоладиган шаклда баён этилиб, мантикий изчилликда яхлит тизимга солинган. 7-маъруза “Қадимги Арабистон динлари”; 8-маъруза “Ислом дини пайдо бўлишининг омиллари”; 9-маъруза “Муҳаммад (с.а.в.)нинг ваҳий келгунга қадар Маккадаги ҳаёти”; 10-маъруза “Ваҳий феномени (ҳодисаси) ва Муҳаммад (с.а.в.)нинг Маккадаги тарғиботи”; 11-маъруза “Мусулмонларнинг Маккадан Мадинага ҳижрати ва унинг аҳамияти”; 12-маъруза “Мадина бошқарувининг тартибга солиниши”; 13-маъруза “Макка ва Мадина рақобатининг бошланиши. Бадр жанги”; 14-маъруза “Уҳуд (625 й.) ва Ҳандақ (627 й.) жанглари”; 15-маъруза “Ҳудайбия сулҳи (628 й.) ва унинг оқибатлари”; 16-маъруза “Макка фатҳи (630 й.) ва бутпарастликнинг барҳам топиши”; 17-маъруза “Делегациялар йили” (631 й.) ва бошқа воқеалар”; 18-маъруза “Қуръоннинг “Тавба” сураси ва унинг моҳияти”; 19-маъруза “Муҳаммад (с.а.в.)нинг “видолашув ҳажи” ва вафоти” мавзуларининг ҳар бири ўз доирасида ўнлаб долзарб масалаларни қамраб олиб, атрофлича ёритади. Фактларни оятлар билан қиёслаш баробарида уларнинг нозил бўлиш сабаблари ҳам очиб берилган. Бунини Фил, Бурж, Тавба каби суралар мисолида кўрамиз. Масалан, Фил сурасида келтирилган 570 йил Маккага юриш қилган Яман ҳокими Абраҳа (548) эмас, балки унинг ўғиллари: Яксум (548-567) ва Масрук (567-578)дан бири экани маълум бўлади.

“Мадина бошқарувининг тартибга солиниши”да бундан деярли 14 аср аввал бугунги халқаро ҳуқуқ нормаларига мос, БМТнинг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган “Инсон ҳуқуқлари декларацияси”дан қолишмайдиган юридик ҳужжат<sup>9</sup> – “ас-Саҳифа”нинг роли, Пайғамбар с.а.в.нинг дипломатик маҳоратига қойил қоламиз.

<sup>9</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 17-маъруза. “Делегациялар йили” (631 й.) ва бошқа воқеалар. – Б.327.

Мазкур мавзуларда Бақара, Наҳл, Ҳаж, Моида, Оли Имрон, Қасас, Ҳоққа, Тур, Аъроф, Анкабут, Шарх, Алақ, Қадр, Зуҳо, Мудассир, Шуаро, Масад, Шўро, Анбиё, Ҳумаза, Қалам, Фурқон, Духон, Анфол, Тавба, Нисо, Фуссилат, Фотир, Ҳашр, Мумтаҳана, Фатҳ, Юсуф, Фурқон, Ҳужурот, Анбиё, Ихлос, Муъминун, Исро ва Нур сураларининг қатор оятлари иктибос сифатида келтирилади. Улар маъноси айнан муаллиф томонидан таржима қилинмаган бўлса ҳам, таъкидлаш зарурки, олимнинг араб, инглиз, рус ва ўзбек тилларини билиш даражаси, филологик салоҳияти ҳам нафақат Ўзбекистон шарқшунослик мактабининг машҳур ва маълум вакиллари, балки хорижий мутахассислар томонидан юқори баҳоланиб, аллақачон эътироф этилган.

Бу китобнинг яна бир муҳим жиҳати – унда А.Ҳасановнинг шахсан ўзи томонидан ёки бевосита раҳбарлигида салкам чорак аср мобайнида амалга оширилган қатор илмий тадқиқотлар моҳияти, ютуқлари ўз ифодасини топган. Буни “араб”, “аъробий”, “малик”, “аҳбош”, “аҳобийш”, “носоро”, “анжуман”, “ҳайит”, “мажусий”, “меҳроб”, “салот”, “намоз”, “аҳл ал-инжил”, “сажъ”, “ҳаниф”, “ҳанифия”, “соби”, “сабо”, “субот”, “дахр”, “ажал”, “тақдир”, “Аллоҳ”, “Аллоҳумма”, “номус”, “исроъ”, “меърож”, “ансорлар”, “аҳл китоб”, “ҳижрат”, “мунофиқлар”, “умма”, “ғазот”, “сария”, “фитна”, “ийлоф”, “закот”, “садақа”, “уруш ҳаром қилинган ойлар”, “жиҳод”, “силаи раҳм”, “ислом” ва “салом” каби диний атамаларга оид изланишлар мисолида кўрамиз. Айниқса, “ҳижрат” ва “жиҳод” сўзининг ўзбекча маъносига жиддий аҳамият бермаслик “қош қўяман деб, кўз чиқариш”га олиб келади. Осмон жисмларига топинадиган “собийй”ларнинг Қуръондаги “соби’а”га алоқаси йўқ. Қурайшилар бу сўзни расулуллоҳ ва саҳобийларга нисбатан қўллаганлар. Масалан, ҳазрат Умар 615 йил исломни қабул қилиб, Каъба олдида баёноат берганида мушриклар: (ابن خطاب قد صبا) Ибн Ҳаттоб ўз қавми динидан

чиқибди, дейдилар<sup>10</sup>. Мана энди Бақара сураси 62-оятидан кўзланган мақсад аён бўлади:

(إن الذين ءامنوا والذين هادوا والنصارى والصابئين  
من ءامن بالله واليوم الآخر وعمل صالحا فلهم أجرهم  
عند ربهم ولا خوف عليهم ولا هم يحزنون )

Кези келганида таъкидлаш жоизки, олимнинг жасорат-ла илгари сурган ғоялари таҳсинга сазовор: “Аллоҳ наздида дин бу – Аллоҳга итоат қилишдир”<sup>11</sup>. Зеро, ҳазрат Одам а.с.дан бошланиб, Муҳаммад с.а.в.да ниҳоясига, тақомилига етган Аллоҳнинг танзили – тавҳид ғоясининг асл мазмун-моҳиятини очиб бериш мазкур маърузалар тўпламининг бош ғоясидир.

Юқорида зикр этилганидек, бу асарнинг фазилатлари бисёр. Бироқ шахсан муаллифнинг ўзи ҳам, А.Ҳасанов сиймосини англаб етган замондошлар ҳам шуни яхши биладиларки, ислом тарихига оид маърузалар китобдагидан кўра, унинг муаллифи дунёқарашида, тасаввурида янада минг чандон гўзал. Муродимиз: ўсиб келаётган ёш авлодга, буюкларнинг ўз давридан ўзган илғор ғоялари учун олимлик “юки”га устак ортилажак заҳматлар ҳам борлигини мушоҳада этсинлар, дея маслаҳат бермоқчимиз.

Мазкур қўлланма ўз вақтида ёзилган ҳаммабоп асар бўлгани боис, уни имкон қадар кўп китобхонлар қўлига етиши, юртимиздаги барча кутубхоналар фондида бўлишини ўйлаб, қайта (шу жумладан лотин алифбосида ҳам) чоп этилиши мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз.

<sup>10</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 8-маъруза. Ислам дини пайдо бўлишининг омиллари. – Б.197.

<sup>11</sup> Ҳасанов А. Илк ислом тарихидан маърузалар // 20-маъруза. Илк Ислам таълимотининг тизим сифатида шаклланиши. – Б.365.